



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

10 ЖИЛД, 11 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 10, НОМЕР 11

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 10, ISSUE 11



ТОШКЕНТ-2025

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№11 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-11>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'afvor**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yosuke Shamoto**  
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

**Umarxonova Dildora Sharipxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Nematov Jo'rabek Nematilloevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Xusanov Ozod Tillabayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Selimanova Svetlana Mixaylovna**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

**Sung Un Lee**  
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ruziyev Rustam Jabborovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**  
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

**Ahmad Issa Altweissi**  
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

**Mexmonov Kambariddin Miradxamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**  
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

**Borut Strazisar**  
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Gasanov Mixail Yuriyevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Denisov Gleb**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliyev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzayev Aziz**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farhod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)  
**Qo'shayev Nurali Mahmudovich**  
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govxerjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


<b>1. Азизов Аброржон Салиджанович</b> НАЛОГОВЫЙ МОНИТОРИНГ КАК АЛЬТЕРНАТИВНАЯ ФОРМА НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРАВОВАЯ СУЩНОСТЬ И ОТЛИЧИЯ ОТ НАЛОГОВЫХ ПРОВЕРОК.....	5
<b>2. Norboyev Bobur Aliqul o‘g‘li</b> O‘ZBEKISTONDA YER KADASTRING HUDUDIY RIVOJLANISH TARIXI.....	13
<b>3. Каримов Темур Мамарахим ўғли</b> ЮРИДИК ИХТИСОСЛИК БЎЙИЧА ИШ СТАЖИНИНГ СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМИГА НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА.....	22
<b>4. Xakberdiyev Nurali Salaxiddinovich</b> HUQUQNI MUXOFAZA QILUVCHI ORGANLARIDA KADRLAR ZAXIRASINI SHAKLLANTIRISH DASTURINI ISHLAB CHIQUISH VA UNI TASHKIL ETISH TARTIBI.....	30
<b>5. Nurumov Dilshodbek Djumabayevich</b> ADVOKATNING ISHONCH BILDIRUVCHI SHAXS (HIMOYA OSTIDAGI SHAXS) BILAN MUNOSABATLARINING O‘ZIGA XOS JIHATLARI.....	40
<b>6. Сафаев Мансурбек Илхомжонович</b> ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР.....	48
<b>7. Зокиров Шерзод Илхом ўғли</b> ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТАЖРИБАСИ ВА УНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	57
<b>8. Xudaykulov Feruzbek Xurramovich</b> JINOYATLARNI KVALIFIKATSIYA QILISH ALGORITMI: NAZARIY VA AMALIY JIHATLARI.....	65
<b>9. Мухитдинов Фахритдин Мухитдинович</b> МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ПРЕВЕНТИВ ЖИХАТЛАРИ.....	76
<b>10. Najimov Miratdiyin Shamshetdinovich</b> O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JINOYAT QONUNCHILIGIDA OILAGA VA YOSHLARGA QARSHI JINOYATLAR TUSHUNCHASI VA ULARNING IJTIMOIIY XAVFLILIGI.....	90
<b>11. Файзуллаев Шавкат Файзуллаевич</b> ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА РЕЖИМИНИ ҚЎЛЛАШ.....	99
<b>12. Nuratdinov Srajatdin Kamalatdinovich</b> XORIJ DAVLATLARINING OMMAVIY TARTIBSIZLIKLAR PROFILAKTİKASINI AMALGA OSHIRISH BO‘YICHA TAJRIBASI.....	109



**Зокиров Шерзод Илхом ўғли,**  
Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
ORCID: 0000-0003-2890-9120  
E-mail: shizokirov@mail.ru

## ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТАЖРИБАСИ ВА УНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

**For citation:** Zokirov Sherzod Ilkhom ogli. FOREIGN PROSECUTORIAL PRACTICES IN HANDLING PETITIONS AND THEIR IMPLEMENTATION INTO NATIONAL LEGISLATION. Journal of Law Research. 2025, 10 vol., issue 11.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17637228>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада жисмоний ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларидан бири – мурожаат қилиш ҳуқуқининг таъминланиши ва унинг прокуратура органлари томонидан амалга оширилиши масалалари ёритилган. Муаллиф хорижий мамлакатлар прокуратура органлари тажрибасини таҳлил қилиб, уларнинг давлат тузумида тутган ўрнига қараб турли моделларга бўлинишини кўрсатади. Франция, Германия, АҚШ, Жанубий Корея, Латвия, Россия, Қозоғистон, Беларусь, Грузия, Швейцария ва бошқа мамлакатлар мисолида мурожаатларни кўриб чиқиш ва назорат қилиш механизмлари қиёсий ўрганилган. Мақолада мурожаатларни ҳал қилишда адолатлилик, инсонийлик, ҳисобдорлик ва шахсий жавобгарлик каби принципларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш зарурлиги асосланган. Хусусан, хорижий амалиётдан олинган ижобий жиҳатларни Ўзбекистон Республикасида қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати тизимида жорий этиш орқали фуқароларнинг мурожаат ҳуқуқини тўлиқ рўёбга чиқариш мумкинлиги таъкидланади.

**Калит сўзлар:** мурожаат ҳуқуқи, прокуратура органлари, хорижий тажриба, имплементация, қиёсий таҳлил, адолатлилик принципи, ҳисобдорлик, инсон ҳуқуқлари, конституциявий кафолатлар, қонун устуворлиги.

**Зокиров Шерзод Илхом ўғли,**  
Доктор философии (PhD) по юридическим наукам  
ORCID: 0000-0003-2890-9120  
E-mail: shizokirov@mail.ru

## ОПЫТ РАБОТЫ ОРГАНОВ ПРОКУРАТУРЫ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН С ОБРАЩЕНИЯМИ И ВОПРОСЫ ИМПЛЕМЕНТАЦИИ В НАЦИОНАЛЬНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО

## АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы реализации конституционного права физических и юридических лиц на обращение и деятельность органов прокуратуры по его обеспечению. Автор анализирует опыт зарубежных стран, классифицируя прокуратуру по различным моделям их места в системе государственной власти. На примере Франции, Германии, США, Южной Кореи, Латвии, России, Казахстана, Беларуси, Грузии, Швейцарии и других государств исследуются механизмы рассмотрения и надзора за обращениями граждан. Обосновывается необходимость имплементации в национальное законодательство таких принципов, как справедливость, гуманизм, подотчетность и персональная ответственность при рассмотрении обращений. Делается вывод, что заимствование и адаптация положительного опыта зарубежных стран позволит повысить эффективность прокурорского надзора за исполнением законодательства и обеспечить полноценную реализацию права граждан и организаций на обращение в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** право на обращение, органы прокуратуры, зарубежный опыт, имплементация, сравнительный анализ, принцип справедливости, подотчетность, права человека, конституционные гарантии, верховенство закона.

**Zokirov Sherzod Ikhom ogli,**  
 Doctor of Philosophy (PhD) in Law  
 ORCID: 0000-0003-2890-9120  
 E-mail: shizokirov@mail.ru

## FOREIGN PROSECUTORIAL PRACTICES IN HANDLING PETITIONS AND THEIR IMPLEMENTATION INTO NATIONAL LEGISLATION

### ANNOTATION

This article examines the implementation of the constitutional right of individuals and legal entities to petition and the role of prosecutorial authorities in ensuring this right. The author analyzes the experience of foreign countries, classifying prosecution offices into various models depending on their position within the state system. Using the examples of France, Germany, the USA, South Korea, Latvia, Russia, Kazakhstan, Belarus, Georgia, Switzerland, and others, the mechanisms of handling and supervising petitions are comparatively studied. The article argues for the necessity of incorporating principles such as fairness, humanism, accountability, and personal responsibility into the national legislation governing the consideration of petitions. It is concluded that borrowing and adapting positive foreign practices will strengthen prosecutorial oversight over the implementation of laws and guarantee the effective realization of the petition rights of citizens and organizations in the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** right to petition, prosecutorial authorities, foreign experience, implementation, comparative analysis, principle of fairness, accountability, human rights, constitutional guarantees, rule of law.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳисобланган мурожаат ҳуқуқини тўлиқ рўёбга чиқарилишида хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиш, бу борада қонунчилик нормалари ва прокурор назорати амалиёти илғор ривожланган давлатлар тажрибасини миллий қонунчиликка жорий этиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга вазифалардан ҳисобланади.

Хорижий мамлакатлар прокуратура органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолиятининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган нормаларини таҳлил қилиш ҳамда ушбу давлатларнинг ўзига хос хусусиятларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалаларини ёритишда, аввало, хорижий давлатлар прокуратураларининг давлат органлари тизимида тутган ўрнини таснифлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу масала юзасидан юридик адабиётларда олимлар томонидан турлича фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Жумладан, ҳуқуқшунос олимлар З.С.Ибрагимов [1, Б.66] ва О.Тошев [2, Б.21] томонидан таснифлаш 4 гуруҳга бўлиб ўрганилган. Яъни, биринчи гуруҳга прокуратура адлия вазирлиги таркибига кирувчи мамлакатлар, иккинчи гуруҳга прокуратура бутунлай суд таркибида ёки суд ҳокимияти доирасида маъмурий мустақилликка эга бўлган давлатлар, учинчи гуруҳга прокуратура органлари мустақил тизим бўлган ҳамда мамлакат парламенти ёхуд давлат бошлиғи олдида ҳисобдор бўлган давлатлар, тўртинчи гуруҳга прокуратура ёки шунга ўхшаш идоралар мавжуд бўлмаган гуруҳларга ажратилган. Бундай таснифлаш бир гуруҳ олимлар А.Алламуратов [3, Б.8-9] ва Д.Хамдамовалар [4, Б.42-43] томонидан ҳам илгари сурилган.

Олимлар тадқиқотларида келтирилган мазкур таснифланишга қўшилиш мумкин. Сабаби, юқорида номлари келтирилган ҳуқуқшунос олимлар турли ҳуқуқ оилаларига мансуб прокуратура органларининг давлат тизимида тутган ўрнини тадқиқ қилишган. Ушбу келтирилган таснифларга кирувчи хорижий мамлакатлар прокуратура органларида мурожаатлар билан ишлашнинг ўзига хос жиҳатларини миллий қонунчиликка татбиқ қилишда, ушбу давлатларнинг ҳуқуқий тизими, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлик даражаси, урф-одат ва анъаналарнинг бир-бирига ўхшашлиги, давлатнинг бошқарилиш механизми кабиларни инобатга олиш мақсад мувофиқ ҳисобланади. Зеро, ривожланган мамлакатлар тажрибасини чуруқ ўрганган ҳолда уларда мавжуд бўлган нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича таклифлар бериш, фикримизча ўринли ҳисобланади.

Биринчи моделга кирувчи Франция, АҚШ, Германия каби ривожланган давлатлар прокуратура органларида мурожаатлар билан ишлашнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Хусусан, Францияда давлат прокуратураси (Ministire public) ижро этувчи ҳокимият тизимига кириб, жамоатчилик номидан иш кўради ва бевосита Адлия вазирлигига ҳисобот беради. Адлия вазири ўзигагина маълум бўлган жиноят қонунчилигининг бузилиш ҳолатлари тўғрисида Бош прокурорни хабардор қилиш, жиноий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш ёки жиноят ишини кўзғатишни буюриш ҳуқуқига эга. Умуман олганда, Франция прокуратурасининг асосий вазифалари жиноий жавобгарликка тортишни амалга ошириш билан боғлиқ ҳисобланади.

Германия Федератив Республикасида прокуратура органларининг фаолияти “Суд тизими тўғрисида”ги Федератив қонун, Жиноят-процессуал кодекси ва “Прокуратура органларининг ташкилий структураси тўғрисида”ги Низом ва прокуратуранинг ички тартиб-қоидалари билан тартибга солинади [5, Б.14].

ГФРда прокуратура ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш вазифасини ҳам бажаради. Прокуратура ваколати доирасига фуқаролик ҳуқуқининг айрим масалалари ҳам киради, хусусан ГФРнинг Фуқаролик-процессуал кодексига мувофиқ, прокурор никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида даъво кўзғатишга, шахсни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисида илтимоснома киритишга, бедарак йўқолган шахсни вафот этган деб топиш тўғрисида фуқаролик процессига чақириб иш юритиш тартибида ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

АҚШ Конституциясининг 2-моддасига биноан, Қўшма Штатлар Президенти мамлакат Бош прокурорини (Бош Атторней) Сенат билан маслаҳатлашган ҳолда ва унинг розилиги билан лавозимига тайинлайди. Бош прокурор (у Адлия вазири ҳисобланади) ҳукуматнинг ҳуқуқий маслаҳатчиси ҳамда президентнинг жиноятларга қарши кураш сиёсати бўйича маслаҳатчиси ҳисобланади [6, Б.23].

АҚШда фуқаролар прокуратура органларига фақатгина унинг ваколатлари билан боғлиқ масалалар юзасидангина мурожаат қила олишлари мумкин, агар мурожаат бевосита прокуратура органининг вазифа ва функциясига кирмаслиги аён бўлса, мурожаат қабул қилинмайди.

Иккинчи моделга кирувчи Жанубий Корея, Латвия, Испания каби мамлакатларнинг прокуратура органларида мурожаатлар билан ишлашнинг бир қатор ўзига хосликлари мавжуд.

Жумладан, Жанубий Корея Республикаси прокуратурасининг мақоми 2017 йил 14 мартдаги “Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунда белгилаб қўйилган. Ушбу

Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, мамлакатда қонунийликни таъминлаш, жиноят ишлари бўйича терговни олиб бориш, жиноий таъқиб ҳамда судларда давлат айбловини қувватлаш Олий прокуратура, юқори прокуратуралар, туман ва туман прокуратураларининг филиаллари томонидан амалга оширилади [7].

Жанубий Корея прокуратурасида мурожаталар билан ишлашнинг ўзига хос механизмлари мавжуд. Хусусан, давлатнинг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда прокурор қарорлари устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиш мумкинлиги аниқ белгилаб қўйилган. Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, тегишли прокурор қароридан норози бўлган ҳар қандай шикоятчи ёки жиноят иши бўйича айбланувчи прокурор тайинланган туман прокуратураси ёки филиали орқали ваколатли юқори прокуратуранинг бош прокурорига ёзма равишда мурожаат қилиши мумкин. Бундай ҳолларда, туман прокуратураси ёки тегишли филиалнинг бош прокурори, агар у мурожаатни тегишли асосларга эга деб ҳисобласа, шикоятчининг мурожаатини қаноатлантириш чорасини кўради.

Юқори турувчи прокуратуранинг бош прокурори, агар берилган шикоятни етарли асосга эга деб топса, уни қуйи турувчи туман прокуратураси ёки филиал прокурорига шикоят қилинаётган қарорини тузатиш бўйича кўрсатма беради [8].

Латвияда прокуратура органларининг фаолияти 1994 йил 19 майда қабул қилинган “Прокуратура тўрисида”ги Қонунга мувофиқ тартибга солинади. Қонунга мувофиқ, Латвия прокуратура органлари Бош прокурор бошчилигидаги тизимли бўлинмаларнинг ягона, марказлаштирилган уч босқичли тизими бўлиб, унинг асосий вазифаси қонун бузилиши ҳолатларига жавобгарлик ҳамда тегишли ишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилишини таъминлашдан иборат [9].

“Прокуратура тўрисида”ги Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, прокурорга ҳуқуқбузарликлар ёки қонун бузилиши ҳолатлари тўғрисида мурожаатлар, хабарлар ёки маълумотлар йўлланса, прокурор қуйидаги ҳолатларда қонунда белгиланган тартибда текширув ўтказиши мумкин:

- 1) мурожаат ёхуд хабарларда жиноят тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлса;
- 2) ногиронлар, муомала лаёқати чекланганлар, вояга етмаганлар, маҳкумлар ёки ўз ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қила олмайдиган бошқа имконияти чекланган фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилган бўлса.

16-модданинг 3-қисмига мувофиқ, прокурор, шунингдек, шахслардан уларнинг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларининг давлат органлари томонидан бузилганлиги, аризада келтирилган ҳуқуқбузарлик ҳолатининг бартараф этилмаганлиги, қонунда белгиланган муддатларда мурожаатчига жавоб берилмаганлиги ёхуд жавоб беришдан бош тортиш каби ҳолатлар тўғрисида мурожаат келиб тушганлиги бўйича ҳам текширув ўтказишга ҳақли ҳисобланади [9].

Юқоридаги таснифлашнинг учинчи моделига кирувчи давлатлар прокуратураларининг ўзига хослиги уларнинг мустақиллиги, яъни, ҳеч қайси тизимга кирмаслиги ҳамда мамлакатнинг олий органи ёки давлат бошлиғи олдида ҳисобдор эканлигида намоён бўлиши келтириб ўтилди. Бундай давлатларга мисол қилиб, Швейцария, Хитой Халқ Республикаси (ХХР) каби ривожланган ҳамда бир қатор МДХ давлатлари, жумладан, Россия Федерацияси, Грузия, Қозоғистон, Беларусь, Қирғизистон кабиларни келтириш мумкин.

Швейцария давлати прокуратурасининг ўзига хослиги шундаки, ушбу давлатнинг “Жиноий суд ишларини юритиш органларини ташкил этиш тўғрисида”ги Федерал Қонунининг 7-8 моддаларида прокуратура мустақил идора сифатида белгиланган [10, Б.361]. Швейцарияда прокуратура органлари фақатгина полиция устидан назоратни олиб боради, умумий назорат фаолиятини амалга оширмайди. Қонунлар ижроси устидан умумий назоратни амалга оширувчи алоҳида – Назорат органи ташкил этилган. Ушбу Назорат органи мамлакатда фуқароларнинг қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Россия Федерациясининг “Россия Федерацияси прокуратураси тўғрисида”ги Федерал қонунининг 10-моддаси “Прокуратура органларида аризалар, шикоятлар ва бошқа

мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш” деб номланган. Ушбу моддада мурожаатларга оид қоидаларнинг бошқа МДХ давлатларидан фарқли жиҳати шундаки, суд ҳукми, қарори ёки ажрими устидан фақат юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкинлиги ва прокурор қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини кўришидан иборат [11].

Беларусь Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 14-моддасида: Прокуратура органлари ўз ваколатларига мувофиқ фуқароларнинг, шу жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва ташкилотларнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган мурожаатларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқадилар [12].

Беларусь Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 14-моддасининг аҳамиятли жиҳати шундаки, ушбу модданинг 1-қисмида фуқаролар томонидан йўлланган мурожаатлар, шу билан бирга, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва ташкилотларнинг мурожаатлари кўриб чиқилиши белгиланган. Модданинг 2-қисмида, прокурор фуқаролар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва ташкилотларнинг ваколатли вакиллари қабул қилиши, 3-қисмида эса, прокурор фуқароларнинг, шу жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш ҳамда қонунбузарларни қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиш чораларини кўриши белгиланган.

Биз келтирган аҳамиятли жиҳат яқка тартибдаги тадбиркорларнинг мурожаатларига алоҳида аҳамият берилишидан иборатдир. Яқка тартибдаги тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқилишининг ҳамда тадбиркорлик фаолиятига оид қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятини амалга оширишни прокуратура органига оид махсус қонунда белгиланиши, мамлакатда тадбиркорларга бўлган юксак эътибордан далолат беради.

Грузия давлатининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 9-боби “прокуратура фаолияти ва ташкил этишнинг бошқа масалалари” деб номланган бўлиб, ушбу бобнинг прокуратура органлари томонидан ариза ва шикоятларни кўриб чиқишни тартибга солувчи 48-моддаси мавжуд. Мазкур моддада, прокуратура органлари ўз ваколатлари доирасида келиб тушган ариза ва шикоятларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқишлари ва фуқароларни қабул қилишни амалга оширишлари, жиноятлар ҳақидаги мурожаатлар ва шикоятлар дарҳол кўриб чиқилиши белгиланган [13].

Қозоғистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 21-моддаси “мурожаатларни кўриб чиқиш” деб номланган бўлиб, унга кўра, прокуратура органлари қонунчиликда белгиланган тартибда, қонун бузилиши ҳолатлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) юзасидан берилган шикоятларни кўриб чиқиши белгиланган [14].

Қозоғистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 21-моддаси 4-қисмида “Прокурор ариза берувчининг манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун мурожаат йўлловчи ҳақидаги маълумотларни ошкор қилмаслик ҳуқуқига эга”лиги белгиланган. Бу эса, содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни барвақт олдини олиш, коррупцияга қарши муросасиз курашиш, содир этилиши режалаштирилган жиноятлар ва коррупциявий ҳолатлар тўғрисида мурожаат йўлловчиларнинг шахсини ошкор қилмаслик, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишида самарали усул ҳисобланади.

Қирғизистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасида принциплар белгиланган бўлиб, ушбу принциплар қаторида жисмоний ва юридик шахсларнинг тенглиги (мазкур принцип Қозоғистон [15] ва Тожикистон Республикаларининг [16] мурожаатлар тўғрисидаги Қонунида мавжуд), мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш, объективлик ва тўлиқлик, мурожаатлар бўйича вазифаларни бажариш учун шахсий жавобгарлик, мурожаатларни кўриб чиқишда ҳисобдорлик кабилар мавжуд [17]. Тожикистон давлатининг “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасида ҳам миллий қонунчилигимиз учун янгилик бўлган адолатлилик, инсонийлик, илмийлик каби принциплар ўз аксини топган.

Бизнинг нуқтаи назаримиз бўйича, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини прокуратура органлари томонидан кўриб чиқиш ва қонуний ҳал қилишда юқорида кўрсатилган давлатлар қонунчилиги тажрибасида белгиланган жисмоний ва юридик шахсларнинг тенглиги, мурожаатлар бўйича вазифаларни бажариш учун шахсий жавобгарлик, мурожаатларни кўриб чиқишда ҳисобдорлик, адолатлилик, инсонийлик принципларини Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасига имплементация қилиниши ижобий ҳолат сифатида баҳолашни мумкин.

Фикримизни асослаган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, мурожаатни кўриб чиқишда адолатлилик ёхуд инсонийлик принципига амал қилиш орқали, мурожаат ижроси мурожаатни фуқароларнинг фойдасига қонуний тарзда ҳал қилиш ва қаноатлантиришнинг барча чораларини адолат ҳамда инсонийликка амал қилган ҳолда кўришга ҳаракат қилади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг тенглиги принципининг қонунчиликка киритилиши эса, барча жисмоний ва юридик шахсларнинг мақомини қонун олдида тенглигини белгилаб, бир хил ҳолатлар ёки бир-бирига ўхшаш мурожаатларга нисбатан қонунда белгиланган бир хил талаблардан келиб чиқиб ҳал қилинишини аниқлатади.

Бу борада, немис олими Э.Шмидт энг катта эътиборни фуқароларнинг мурожаат ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун қонунларда уларнинг мурожаатларига оид белгиланган принципларга амал қилиш кераклигини таъкидлаб ўтган. Олим фикрини давом эттириб, қонунларда мавжуд принциплар белгиланган тартибларни бузиш ёки кечиктириш учун эмас, балки муддатидан олдин амалга ошириш учун сигнал вазифасини ўташни қайд этган [18, Б.358].

Шундан келиб чиқиб, илғор хорижий давлатлар қонунчилигида мавжуд принципларнинг ижобий жиҳатларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига қуйидаги принципларни киритиш таклифи илгари сурилади. Яъни, адолатлилик; жисмоний ва юридик шахсларнинг тенглиги; мурожаатлар бўйича вазифаларни бажариш учун шахсий жавобгарлик; мурожаатларни кўриб чиқишда ҳисобдорлик.

Мазкур принципларнинг қонунчилигимизда акс этиши жисмоний ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳисобланган мурожаат ҳуқуқларининг тўлиқ рўёбга чиқарилишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаш ўринлидир.

Тўртинчи модел давлатлари сирасига Англия, Уэлс, Шотландия кабиларни киритиш мумкин. Бу таснифдаги давлатларнинг бошқа гуруҳдаги давлатлардан фарқли жиҳати прокуратура алоҳида институт сифатида мавжуд эмаслигида кўринади.

Инглиз судларида кўпчилик жиноят ишлари бўйича айблов полиция ёки алоҳида шахслар томонидан, фақат энг оғир жиноятлар бўйича айблов Бош Атторней (Бош прокурор) идоралари томонидан амалга оширилади [19, Б.9].

1985 йилдаги “Жиноятларни таъқиб қилиш тўғрисида”ги Қонун билан Англия ва Уэлсда “Crown Prosecution Service” (Қироллик айблов хизмати – Қироллик прокуратураси) ташкил этилган. Ушбу хизматга Бош Атторней томонидан лавозимига тайинланган ва унинг умумий раҳбарлиги остида иш олиб борадиган Директор раҳбарлик қилади. Фуқаролар томонидан жиноий таъқиблар ҳақидаги мурожаатлар айнан мана шу хизмат томонидан кўриб чиқилади. Бунда асосий эътибор Қироллик прокуратура хизматининг маҳаллий идораларига қаратилади. Бундан ташқари, фуқаролар жиноий таъқиблар тўғрисидаги мурожаатлари билан судга шикоят қилишлари ҳам мумкин [20].

Юқорида келтирилган таҳлилларга кўра, учинчи моделга кирувчи давлатларнинг прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва унинг фаолиятини тартибга солувчи қонунларнинг аксарият қисмида прокуратура органлари ва прокурорларнинг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш ҳамда бу соҳага оид қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда иштирок этишлари кўзда тутилган. Рус олими П.А.Беляков “фуқароларнинг мурожаатларига доир қоидалар учинчи модел тоифасига кирувчи мамлакатлар прокуратура органларининг қонунчилик даражасида белгиланган мустақил фаолият тури ҳисобланади” деб

таъкидлаб ўтган фикрларига кўшилиш мумкин [21]. Зеро, давлат органлари тизимида тутган ўрнига кўра мустақил ҳисобланган прокуратура органларининг махсус қонунларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг алоҳида моддаларда қайд этилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Хулоса сифатида қайд этиш мумкинки, хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг бугунги кундаги жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолияти ҳамда бу соҳага оид қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириши учинчи моделга сирасига мансуб бир қатор ривожланган мамлакатлар, хусусан, Швейцария, Озарбайжон, Хитой, шу жумладан, МДХ мамлакатлари қонунчилигига ўхшаш ҳисобланиши тўғрисида таъкидлаш ўринли.

Юқорида келтирилган ҳар бир гуруҳ таркибига кирувчи хорижий мамлакатлар тажрибаларининг айримлари мамлакатимиз ҳуқуқ тизимида ўз аксини топган бўлса-да, жорий этилиши мумкин бўлган жиҳатлар ҳам мавжуд. Ижобий тажрибаларни миллий қонунчиликка тадбиқ этишда эса, қатор мезонларни, хусусан, мамлакатни бошқариш шакли, прокуратура органларига қонун билан юклатилган асосий вазифа ва функциялар, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, шу жумладан, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиб, ҳал этилишининг бир-бирига ўхшаш ва фарқли жиҳатлари каби омилларни инобатга олиш лозим.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ибрагимов З.С. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси (истиклол йилларидаги ҳуқуқий мақоми ривожланишининг қиёсий таҳлили) / З.С.Ибрагимов. – Т.: “Noshir” 2011. – Б.66. (Ibragimov Z.S. Independence and the Prosecutor’s Office of the Republic of Uzbekistan (Comparative analysis of the development of its legal status during the years of independence) / Z.S. Ibragimov. – Tashkent: “Noshir”, 2011. – p. 66.)
2. Тошев О. “Прокуратура органларининг фаолияти: халқаро қиёсий-ҳуқуқий таҳлил”. Ҳуқуқ ва бурч. №8 (188) 2021. – Б.21 (Toshev O. Activities of Prosecutorial Bodies: International Comparative Legal Analysis. Law and Duty. No. 8 (188), 2021. – p. 21.)
3. Алламуратов А.Т., Эргашов А.А. Хорижий мамлакатларда прокуратура: ўқув-қўлланма / Масъул муҳаррир: ю.ф.н. О.М.Мадалиев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б.8-9 (Allamuratov A.T., Ergashev A.A. Prosecutor’s Office in Foreign Countries: A Study Guide / Responsible editor: PhD in Law O.M. Madaliev. – Tashkent: Tashkent State University of Law Publishing House, 2009. – pp. 8-9.)
4. Хамдамова Д. Прокуратура органларининг қиёсий таҳлили // “Ҳуқуқ ва бурч”, 2020, №4 (172). – Б.42-43 (Khamdamova D. Comparative Analysis of Prosecutorial Bodies // Law and Duty, 2020, No. 4 (172). – pp. 42–43.)
5. Хатамов Ш. Прокуратура органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш масалалари. Таҳлилий-тадқиқот иши // - Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2020. – Б.14. (Khatamov Sh. Issues of Prosecutorial Supervision over the Implementation of Laws on Appeals of Individuals and Legal Entities in the Prosecutor’s Office. Analytical Research Work // – Tashkent: Academy of the Prosecutor General’s Office of the Republic of Uzbekistan, 2020. – p. 14.)
6. Пешков М.А. Арест и обыск в уголовном процессе США. М. : Спарк, 2008. С. 23. (Peshkov M.A. Arrest and Search in the Criminal Process of the USA. Moscow: Spark, 2008. – p. 23.)
7. <https://www.spo.go.kr/site/eng/01/10104000000002018120605.jsp>
8. [https://unafei.or.jp/publications/pdf/RS\\_No53/No53\\_13VE\\_Soo.pdf](https://unafei.or.jp/publications/pdf/RS_No53/No53_13VE_Soo.pdf)
9. <https://lawyer-khroulev.com/wp-content/uploads/2019/09/Zakon-Latvii-o-prokurature-ru.pdf>
10. Прокуратура: вчера, сегодня, завтра (Сухаревские чтения): сб. материалов II Междунар. науч.-практ. конф. (г. Москва, 7 октября 2016 г.) / под общ. ред. О.С. Капинус; [под науч. ред. А.Ю. Винокурова; сост. Е.Ю. Алхутова, И.А. Васькина, Н.А. Кулакова]; Акад. Ген. прокуратуры Рос. Федерации. – М., 2017. – С.361 (Prosecutor’s Office: Yesterday, Today,

Tomorrow (Sukharev Readings): Collection of Materials of the II International Scientific and Practical Conference (Moscow, October 7, 2016) / General ed. by O.S. Kapinus; scientific ed. by A.Yu. Vinokurov; comp. by E.Yu. Alkhutova, I.A. Vaskina, N.A. Kulakova; Academy of the Prosecutor General's Office of the Russian Federation. – Moscow, 2017. – p. 361.)

11. [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_262/f429000abb1a74d014270ebd49006c0bde9eea0f/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_262/f429000abb1a74d014270ebd49006c0bde9eea0f/)
12. [https://kodeksy-by.com/zakon\\_rb\\_o\\_prokurate/14.htm](https://kodeksy-by.com/zakon_rb_o_prokurate/14.htm)
13. <https://matsne.gov.ge/ru/document/download/19090/12/ru/pdf>
14. <http://prokuror.gov.kz/rus/npa/normativnye-pravovye-akty/zakon-o-prokurate>
15. [https://online.zakon.kz/document/?doc\\_id=35132264#pos=10;-50](https://online.zakon.kz/document/?doc_id=35132264#pos=10;-50)
16. <https://www.consular.tj/zakon-ob-obrashenyahgrazhdan.html>
17. <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/202100>
18. Schmidt-Aßmann. General administrative law as an idea of order: fundamentals and tasks of administrative system formation. 2., Dissolution. - Berlin; Heidelberg: Springer, 2006. P. 358.
19. Додонов В. Н. Прокуратуры стран мира. Справочник / Под общ. науч. ред. докт. юрид. наук, проф. С. П. Щербы. М.: Юрлитинформ, 2006. С. 9. (Dodonov V.N. Prosecutor's Offices of the World: A Reference Book / General scientific ed. by Doctor of Law, Prof. S.P. Shcherba. – Moscow: Yurlitinform, 2006. – p. 9.)
20. [http://www.rusnauka.com/22\\_PNR\\_2012/Pravo/5\\_115270.doc.htm](http://www.rusnauka.com/22_PNR_2012/Pravo/5_115270.doc.htm)
21. Беляков П.А. Работа с обращениями граждан прокуратур государств – участников СНГ // Правовая инициатива. 2013. № 3. (Belyakov P.A. Work with Citizens' Appeals in the Prosecutor's Offices of the CIS Member States // Legal Initiative. 2013. No. 3.)

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000